

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 81 (10.386)

2005 ЙИЛ 26 АПРЕЛЬ

Шаҳрим — фаҳрим

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА СAYТЛАР

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман "Иқтисодиётни модернизациялаш ва ислоҳ этиш иқтисодиёт ривожининг асосий омилли" деб номланди.

● **"БУНЁДКОР"** ёшлар телеклубида Тошкент шаҳар ўқувчи ёшлар техник ижодиёти маркази ташаббуси билан ташкил этилган "Ижодкор ихтирочи болалар" кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **БУГУН** "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Яққасарой туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги ўқув муассасаларининг "Камолот" етакчилари Алишер Навоий номидagi Санъат саройига ташриф буюришди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** Усмон Носир маҳалласида Ҳамза туман хотин-қизлар кўмитаси, "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамда маҳалла фуқаролари йиғини ҳамкорликларида маҳалла фаоллари, аёллар иштирокида ўтказилган давра суҳбати "Аёл ва жамият" деб номланди.

● **ЭРТАГА** 284-мактабда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши ташаббуси билан спортнинг волейбол, баскетбол турлари бўйича тумандаги мактаблар жамоалари ўртасида мусобақалар ўтказилади.

● **ТОШКЕНТ** молия институти қошидаги академик лицейда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан лицейлар ўқувчилари ўртасида футбол бўйича "Соғлом авлод — келажақ пойдевори" шиори остида мусобақалар бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов куни кеча бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида пойтахтимизнинг Ватанимиз сиёсий-ижтимоий, маънавий ҳаётида, давлат бошқаруви ва миллий иқтисодиётда тугган ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида атрафлича тўхталиб ўтилар. Бугунги кунда пойтахтимизнинг обрў-эътибори бутун дунёга таралиб, «Шарқ дарвозаси» деб тан олингани бежиз эмас, албатта. Сабаби Тошкент — биринчи навбатда йирик сиёсий марказдир. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Тошкент республикамиз иқтисодий куч-қудратининг шаклланиш ва тикланиш жараёнида доимо мустаҳкам пойдевор бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.




ПОЙТАХТИМИЗ ҲАМИША КЎРКАМ ВА ОБОД БЎЛСИН

Ҳеч шубҳасиз, бугун шаҳримиз яшариб ва яшнаб бормоқда. Бу шаҳри азимдаги ўзгариш ва янгиланишларни кундалик ҳаётимизда ўзимиз кўриб гувоҳи бўлиб турибмиз. Мустақиллигимиздан сўнг ўтган 14 йил ичида бу ерда бўлган бунёдкорлик ишларини санаб адоғига етишимиз қийин. Шаҳримиз кун сайин чирой очиб, ёрқин келажақ томон шаддам одим отаётганлиги нафақат биз, хатто чет элликлар тилидан ҳам тез-тез эшитилиб турилибди. Биргина ободончилик йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг ўзи бу фикримизнинг яққол далили.

Бугун шаҳримизнинг қай гўшасига назар ташламанг, қай бурчагида бўлманг, кўзингиз яшил бойликлар оламидан яшнаб кетади. Айниқса бу борада гап борганда пойтахтимиздаги қатор майдон ва мавзелар қатори Эски шаҳар худ-

дида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишларини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Айни вақтда Эски шаҳарни янада обод этиш, худудда яшовчиларга ҳар томонлама қулайликлар яратиш, ёшларга яхши билим олиш имкониятларини тугдириш, уларнинг бўш вақтларини намунали ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун тегишли шарт-шароитларни яратиш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, йигит-қизларимизга кўшимча бўш иш ўринларини яратиш, савдо ва коммунал хизмати сифатини янада яхшилаш мақсадида бунёдкорлик ишлари ҳар қачонгидан ҳам авж олган. Бу албатта, Эски шаҳарликларга кўрсатилаётган навбатдаги гамхўрлик намунасидир.

Давоми 2-бетда.



«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

КЎРИК-ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси биз учун энг азиз бўлмиш она-Ватан фарзандлари руҳияти, қалби ва онгида кузатилаётган хурлик ўзгаришларини ижодий асарларда янада кенгроқ ёритиш, тасвирлаш мақсадида анъанавий «Энг улўғ, энг азиз» Республика кўрик-танловиغا барча ижодкорларни таклиф этади.

Кўрик-танловига тақдим этилаётган ижодий ишларда куйидаги мавзу, йўналишлар ёритилган бўлиши лозим:

- Мустақиллик, озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг талқини
- Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар жараёни ва бу борада эришилган ютуқлар
- Миллий истиқлол гоёси ва мафқураси-

- нинг шаклланиши
- Она-Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат
- Миллий ғурур, азалий ва умумбашарий қадриятлар
- Кишилар онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасида кузатилаётган хурлик ўзгаришлари
- Фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган, яратувчилик йўлида изланаётган замондошларимиз қиёфаси

— Мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимлари

— Буюк истиқлол туфайли қўлга киритилаётган моддий ва маънавий неъматлар қўлами. Кўрик-танлов ҳайъати томонидан аниқланган ғолиблар Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги байрами арафасида муқофотланади ва матбуотда эълон қилинади.

Танлов ғолибларини қимматбахо совринлар кутади.

Ижодий ишлар икки нусхада 2005 йилнинг 1 августига қадар куйидаги манзилга юборилиши лозим: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси «Энг улўғ, энг азиз» Республика кўрик-танлови ҳайъати.

Телефонлар: 144-57-24; 144-11-64; 144-37-87.

XVI сағоси

Барча навбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда кўмитанинг шу йил биринчи чорағидаги фаолияти яқунларига оид масалалар муҳокама этилди.

● Мамлакатимизда Берн конвенцияси кучга кирди

● Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида янги педиатрия мажмуи очилди. Шунга бағишланган тантанали маросимда олимлар, шифокорлар, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

● Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил топганлигининг 11 йиллиги муносабати билан «Мустақиллик ва маънавият» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● АҚШ ҳукумати террорчиликка қарши кураш чораларини кучайтириш мақсадида Америка худудида парвозларни амалга оширувчи хорижий авиакомпанияларга йўловчилар рўyxатини тақдим этиш мажбуриятини юк-ламоқчи.

● Тез кунлар ичида Сурия кўшинлари Ливан худудини бутунлай тарк этади. БМТ Бош қотиби Кофи Аннан бугун Хавфсизлик Кенгашига мазкур резолюциянинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни топширади.

● Бағдодда навбатдаги террорчилик ҳаракати амалга оширилди. Портловчи моддаларга тўла автомобиль рулига ўтирган террорчининг деворга урилиб портловчи қурилмани ишга тушириши натижасида 5 киши ҳаётдан кўз юмди, 20дан ортққ киши тан жароҳати олди.

● Германиянинг машҳур BMW компанияси ўзининг BMW-3 Series номли янги авлод универсал автомобилнинг расмий суратларини тарқатди. Аввалги автоуловдан бир оз баландроқ ва кенгроқ бўлган янги BMWнинг тақдироти шу йилнинг кузида ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Давоми. Боши 1-бетда.

Бугун Эски шаҳар худудидида 500 нафар ишчи-хизматчини иш билан таъминлаган «Сағбонтекстил» кўшма корхонаси, ҳар сменада 300 кишини қабул қиладиган оилавий поликлиника, «Истеъдод» ёшлар маркази, 3 та болалар боғчаси, 4 та стадион, 12 та маҳалла гузари, 5 та маросимлар уйи, маънавият ва маърифат масканлари, кўплаб маиший хизмат шохобчалари қуриб битказилиб, иш бошлаганлигини мамнуният билан қайд этиб ўттишимиз мумкин. Шайхонтохур туманининг Қоратош мавзесидида хорижий ҳамкорлар иштирокида 350 ишчи ўринга эга бўлган замонавий тикув ва тўқув фабрикаси, Акмал Икромов туманининг Саккокий кўчасидида ҳам худди шундай фабрика қурилиб, ишга топширилиш арафасидида турибди.

«Чевар» акциядорлик жамияти негизидида германиялик ҳамкорлар билан пайпоқ фабрикаси ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар сармояси иштирокида полиэтилен қоплар тайёрлайдиган корхона қуриш бўйича амалий ишлар давом этмоқда.

— Тошкентнинг тобора гўзал ва обод бўлиб бораётгани нафақат пойтахт ахлига, ишончим комилки, бугун халқимизга қувонч ва ифтихор бағишлайди, — деди Юртбошимиз ўз нутқидида. — Сўнги бир-икки йил ичиди миллий ва замонавий меъморчилик ютуқларини уйғунлаштирган ҳолда барпо этилган муаззам ва бетакрор Сенат биноси, Тасвирий санъат галереяси, «Гранд-Мир», «Ле-Меридиан», «Дедеман» каби ўнлаб мухташам иморатлар айниқса шахримиз кўрқига кўрк қўшиб турибди.

Бизда собик шўролар давридан қолган бир ёмон иллат бор. У ҳам бўлса «бетонпарастлик касали»-дир. Узокни кўрмалайдиган раҳбарларнинг хайбаракалчилиги билан нафақат кўча ва майдонлар, балки одамлар ҳордиқ чиқаришига мўлжалланган оромгоҳларни бетон ва асфальт билан қоплаб ташлаш одат тусига кирганди. Оқибатда касалмандлар сони кўпайди, касалликларнинг тури ортди. Бугун мана шу иллат асоратларига барҳам бериш мақсадидида шаҳарнинг марказий қисмида яшил зоналарни кўпайтириш, кўплаб дарактзорлар ва кўкаламзор майдонлар яратишга диққат-эътибор қаратилмоқда. Бунинг яна бир мисоли сифатида Бешёғоч майдонидидаги Алишер Навоий номи билан аталадиган Миллий боғ, Буюк Турон кўчасининг Тошкент универмагидан Космонавтлар шохкўчасигача бўлган қисми, Шароф Рашидов кўчасининг Алишер Навоий кўчаси билан кесишган чорраҳасидан Абдулла Қодирий кўчасигача бўлган қисмида яшил худудлар ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ободончилик ишларини келтиришимиз мумкин. Ана шундай кўркам масканларнинг пайдо бўлиши шаҳар экологик мувозанатини сақлашга хизмат қилса, иккинчидан, бу ердаги кўп қаватли уйларда истикомат қилувчиларга мўътадил ҳаво бахш этади, уларнинг шинам шартитларда яшашларини таъминлайди.

— Шу билан бирга, — деб таъкидладилар Президентимиз, — пойтахтимизда яшайдиган қарийб икки ярим миллион одамнинг кундалик турмушига ҳамнафас, ҳамдард бўлиш, уларнинг ҳаётий муаммоларини ечишга масъул, бу вазифани ўз фаолиятининг асосий маъно-мазмунини деб билиши зарур бўлган идора, шаҳар ҳокимлиги

раҳбариятининг аввало ҳамшаҳарларимизни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш ва бошқариш борасидида қурби, масъулияти ҳамда жавобгарлиги етишмаяпти.

Бу хусусда биринчи галда кўп қаватли уйларни бошқариш масаласидида тўпланиб қолган муаммолар ҳақида гапиришимиз мумкин. Ширкатларнинг ҳокимият органлари, маҳалла фаоллари тўпланиб қолган муаммолар ҳақида гапиришимиз мумкин. Ширкатларнинг ҳокимият органлари, маҳалла фаоллари тўпланиб қолган муаммолар ҳақида гапиришимиз мумкин. Ширкатларнинг ҳокимият органлари, маҳалла фаоллари тўпланиб қолган муаммолар ҳақида гапиришимиз мумкин. Ширкатларнинг ҳокимият органлари, маҳалла фаоллари тўпланиб қолган муаммолар ҳақида гапиришимиз мумкин.

Шаҳрим — фаҳрим

ПОЙТАХТИМИЗ ҲАМИША КЎРКАМ ВА ОБОД БЎЛСИН

нуқсонларнинг сабаби маҳаллий ҳокимиятлар томонидан тегишли назоратнинг йўқлиги, ширкатларни бошқариш вазифаси коммунал хизматдан узоқ бўлган тасодифий кишиларга топшириб қўйилганлигидир. Уларнинг барчаси аҳоли кайфиятига, керак бўлса, ҳокимият ва ҳуқумат идораларига бўлган ишончга салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Шунингдек, сессияда Тошкент шаҳар телефон тармоқлари, яқка тартибда фаолият юритадиган тадбиркорлик бўйича ишларнинг ҳолати ҳам қониқарли эмаслиги, умуман жойларда тадбиркорлар йўлига сунъий ғов қўйиш каби иллатлар давом этаётганлиги ҳақида ҳам гапириб ўтилди. Президентимиз сессияда маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтдилар.

— Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, — дейди давлатимиз раҳбари, — бу масалада амалий ишдан кўра расмиятчилик, хўжакўрсин ишлар кўп. Баъзи маҳаллалар оқсоқолларининг шахсий масъулияти, инсоний фазилатлари улар эгаллаб турган лавозимга муносиб эмаслиги ачинарлидир. Хусусан, моддий ёрдам пулларини тақсимлашда адолатсизлик, таниш-билишчилик, порахўрлик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кечириб бўлмайди. Бу ўз навбатида маҳалла деган муқаддас масканга доғ туширади.

Биз Тошкент шаҳар Кенгаши сессияда Президент Ислам Каримов билдирган тақдир ва мулоҳазалар юзасидан ҳамшаҳарларимизнинг фикрлари билан қизиқдик.

— Президентимиз ўз нутқларидида пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига катта аҳамият берган ҳолда турли соҳаларда йўл қўйилаётган камчиликларга тўхталиб, баъзи туманлардаги йўлларнинг аҳоли, коммунал соҳадаги юмушлар ва маҳаллаларнинг энг одил ҳакам бўлиши кераклиги ҳақида ўзларининг қимматли фикрларини билдирдилар, — дейди ўз фикрини баён қилиб Шайхонтохур туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Фарида Акбарова. — Айниқса Юртбошимиз Эски шаҳар аҳолиси олдида қарздорлигимиз ҳақида қунони гапирдилар. Шу-

нинг учун ҳам бугун иқтисодийтимиз бақувват бўлиб, имкониятларимиз кенгайиши билан шу оғир муаммони ечишни давом эттираётганлигимизни, қисқа давр ичидида бу йўлда дастлабки ижобий қадамлар қўйилганлигини ишонарли мисоллар билан изоҳлаб бердилар. Ободончилик йўлидаги ишларимиз давом этмоқда. Эски шаҳар аҳолисига зарур бўлган барча қулайликлар яратилмоқда. Сессияда «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб, бу борада хотин-қизлар олдида турган вазифалар хусусидида қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирди. Хар биримизнинг қалбимиздан чуқур ўрин олган бу доно маслаҳатлар ишимизга янада жиддий ёндошиш, фарзандларга ёшлигидан тўғри тарбия бериш, бир сўз билан айтганда аҳолига қулайлик, яхши шароит яратиш йўлида барчамизни унумли меҳнат қилишга чорлайди.

— Мен бугун хизмат бурчим тақозоси юзасидан Президентимизнинг шаҳар ободончилиги йўлида гапирган сўзларига алоҳида эътиборни қаратмоқчиман, — дейди Қобил Қорабоев. — Юртбошимизнинг ободончилик ҳақидаги фикрлари чиндан ҳам ШУ ЮРТ МЕНИКИ, ШУ УЙ МЕНИКИ, ШУ ШАҲАР МЕНИКИ, деб ҳис этган инсон зоти борки, барчасини тўлқинлантирмай қолмайди. Давлатимиз раҳбарининг: «Биз нафақат Тошкент, балки Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари обод ва гўзал бўлишини, ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшашни хоҳлаймиз ва бу табиий ҳол, албатта. Лекин ана шундай ҳаёт даражасига етишни орзу қилар эканмиз, аввало ўз олдимизга катта мақсадларни қўйиб яшашимиз ва меҳнат қилишимиз даркор. Ўзбекистон деб аталган шу табарруқ заминга эзгу ният билан бир ниҳол эзмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак», деган сўзлари айниқса биз ободончилар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилиши керак, деб ўйлайман.

— Юртбошимиз сессияда уй-жой мулкдорлари ширкатларида йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳақида ҳам қунониб гапирдилар. Биз ширкатларда хизмат кўрсатаётган мутахассислар ўз манзилимизга билдирилган нуқсонлар ва танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ишимизда ижобий томон бурилиш ясашимиз керак, — деди бизга Олимжон Қодиров. — Шундай қилайликки, хар йўналишимиз, ишимиз кўп қаватли уйлардаги одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, коммунал хизмат даражасини оширишга, охир-оқибатда аҳолининг оғирини энгил қилишга ўз таъсирини ўтказсин.

Президентимизнинг раҳбарнинг масъулияти ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойик. Раҳбар қандай ақли ва ўткир, чуқур билим ва тажрибага эга бўлмасин, таъбир жоиз бўлса, қанчалик тилла инсон бўлмасин, унинг бир ўзи ҳеч нарсага эриша олмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Юқоридигилардан келиб чиқадиган хулоса шуки, Тошкентдек шаҳри азими хар жиҳатдан бошқариш бир кишининг иши эмас. Шундай экан, бу йўлда биз барча пойтахт ахллари бир ёқадан бош чиқариб, келажак сари шахдам одим отиб бораётган шахримиз равнақи йўлида фидойилик билан меҳнат қилишимиз керак.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Олий Мажлис

Қонунчилик

палатасида

СУД ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Суд тизими самарадорлиги ва қонун устуворлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н.Исмоилов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, суд ва прокуратура тизими, судьялар ва адвокатлар ассоциацияси вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Анжуманда Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қўйилган вазифалар асосида суд-ҳуқуқ тизимидида амалга оширилаётган ислохотлар бугунги кунда жинойи ва процессуал қонунчилигимизнинг дастлабки тергов ва суд-гача бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш билан боғлиқ айрим қоидаларни қайтадан кўриб чиқиш зарурати вуҷудга келгани таъкидланди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими бўйича мутлақо янги концепция ҳаётга татбиқ этилиб, судларнинг ихтисослашуви амалга оширилди. Суд ишларини апелляция тарзида кўриб чиқиш институтини жорий этилди, тергов-суриштирув ва ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди.

Анжуман иштирокчилари судларда фуқаролик ишларини юритишдаги тажриба ва муаммолар, судьялар мустақиллигини таъминлашда прокурор ваколатларининг аҳамияти, хўжалик судларида иш юритишни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш каби масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

(ЎЗА)

Маълум

ИСПАН ТИЛИГА
ҚИЗИҚИШ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде ташкил этилган анжуман «Испан тилини ўқитишда Испания мамлакати маданияти ва Лотин Америкаси мамлакатларининг тутган ўрни» деган мавзуга бағишланди.

Тошкентдаги Испан тили маркази ташаббуси билан уюштирилган анжуманда пойтахтимиздаги олий ўқув юртлирида испан тилидан дарс бераётган ўқитувчилар ўзаро тажриба алмашишди.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида испан тилини ўқитиш борасида амалга оширилаётган таълимий тадбирларга бағишланган маъруза кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Университетда фаолият кўрсатаётган испан тили кафедрасида тавсиялар хусусида ҳам яхши фикрлар билдирилди.

АНЪАНАВИЙ
БАЙРАМ

Ҳар йили дунёнинг француз тилида сўзлашувчи мамлакатларида франкофони байрами ўтказилади. Бундай тадбир Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде ҳам шодиёнага айлинди кетди.

Унда франкофони мамлакатлари халқлари маданияти, урф-одатларига оид саҳна кўринишлари ҳам намойиш қилинди.

Француз тилини пухта ўзлаштираётган талаба ёшларининг билимдонлиги ҳам кўпчиликни мамнун этди. Савол-жавоблар жараёнида французча нотиклик санъати намойиш қилинди. Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси голибларни муносиб тақдирлади.

ЛАБОРАТОРИЯГА

ЙГИРУВ

УСКУНАЛАРИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Механикавий технология факультетиде таълим жараёнлари замонавий технология жиҳозлар асосида олиб берилмоқда. Йигириш технологияси кафедраси лабораторияси ҳам ўзининг мустақам техника негизига эга бўлди.

Германиянинг «Шлафхорст-задрер» фирмаси томонидан ажратилган грант маблағи ҳисобидан олинган техникалар ҳам муҳим ўқув жиҳозлари сифатида қўлланилмоқда.

Туркиянинг «Каятекстил» фирмаси билан ҳам алоқалар йўлга қўйилди.

Бу ҳар икки фирма олий ўқув юртини йигирув ускуналари ҳамда уларга керакли техникалар билан қуролантиришда ёрдам кўрсатди.

Акбар АЛИЕВ

26 апрель - Амир Темури ордени

таъсис этилган кун

ХАЛҚИМИЗ
ИФТИХОРИ РАМЗИ

Олий унвону орденлар ҳар бир юртининг озодлиги, шон-шухрати, куч-қудрати рамзи саналади. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан юртимизнинг тарихий аъёнлари, миллий кадрларини, бой маънавиятини ўзида акс эттирган орден ва медаллар таъсис этилди.

Ватанимизнинг энг юксак орденларидан бири Сохибқирон Амир Темури номи билан аталган бежиз эмас. Истиқлол йилларида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида бой тарихимиз, улуг боболаримиз шахсияти, меросига муносабат тубдан ўзгарди.

Жумладан, Амир Темури номи ҳам халқимизнинг яна фахру ғурурига айланди.

1996 йилда унинг 660 йиллиги кенг нишонланди. Мазкур орден ҳам ана шу кутлуғ сана арасида таъсис этилди. У юртимизда тарихий аъёнларимиз, эзгу кадрларимиз қайта тикланаётганининг яна бир далили бўлди.


Сохибқирон бутун ҳаёти ва салоҳиятини ўз халқининг эрки

ва фаровонлиги, юрт ободлигига бахшида этган. Куч-қудратини бунёдкорлик ишларига сарфлаган.

Амир Темури орденига битилган «Куч - адолатда» сўзлари жаҳонгир фаолиятининг асосий шiori бўлганини яхши биланмиз.

Амир Темури ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатчиликни мустақамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун мукофотландилар.

«Давлат мукофотлари тўғрисида»ги қонунда фуқаролар билан бир қаторда айрим ҳолларда қорхоналар, муассаса-



лар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкинлиги қайд этилган.

Шунга қўра, 1996 йил 28 августда, Сохибқироннинг кутлуғ юбилеи арасида Президент фармониға биноан Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Амир Темури ордени билан мукофотланди.

Маълумки, бу икки шаҳар Сохибқирон ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўрин тутган. У қўна Кеуда таваллуд топиб, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтиға айлантрган. Сохибқироннинг ҳукмдорлиги йилларида бу икки шаҳар янада юксал-

ган, фан ва маданияти гуллаб-яшнаган. Уларда Темурилар даврида бунёд этилган тарихий обидалар бугунги кунда ҳам етти иқлимдан келган сайёҳларда катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотиши бежиз эмас.

Истиқлол йилларида Андижон вилоятида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалға оширилди. Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги арасида Президентимиз Фармониға қўра Андижон вилояти Амир Темури ордени билан мукофотланди.

Ўтган йилнинг 13 июль кунини ўзбек ўғлини Рустам Қосимжонов юртимиз тарихида илк бор шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.

Еш шахматчимизнинг улкан ғалабаси Юртбошимиз томонидан муносиб баҳоламда — Рустам Қосимжонов Амир Темури ордениға лойиқ топилди.

Бугун Сохибқирон юртида мислсиз ангиланлар юз бераётган. Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг шухрати тобора оламға ёйилмоқда.

Бунда Амир Темури сиймоси халқимизни янгидан-янги зафарларға, ютуқларға ундовчи куч-қудрат манба, миллатимизнинг ғурури ва ифтихори тимсоли бўлиб қолаверади.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

2004-2005 ўқув йили ҳам поёниға етмоқда. Шунга қарамасдан, ўқув жараёнидан ажралмаган ҳолда умумтаълим ўқув юртлирида капитал реконструкция, тубдан ва жорий таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастуриға мувофиқ шу йилнинг 15 майиға қадар пойтахтдаги 14 та мактабда тубдан таъмирлаш ишлари тугатилиши режалаштирилган. Лекин, **Капитал қурилиш ва коммунал хўжалик масалалари бўйича мажмуа** йиғилишида таъкидлаб ўтилганидек, бююртмачи ва пудратчи ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ишлари суст олиб борилгани тугайли биринчи чоракка белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилмаган, айрим объектларда амалға оширилган ишлар сифати қониқарли эмас.

Мажбуриятлар бажарилишиға худди шундай муносабат ўрта-маҳсус ўқув юртлирини қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш объектларида банд бўлган пудратчи ташкилотлар томонидан ҳам кузатилди. Жумладан, биринчи чоракда шу мақсадлар учун ажратилган маблағларнинг фақат бешдан бир қисми ўзлаштирилган, бу эса ҳисобот давриға топширилиши режалаштирилган объектларда иш даражаси пасайишиға олиб келди.

Йиғилишда ижтимоий аҳамиятиға эга объектларда ишларни вақтида тугатиш, қурилиши тугалланмаган объектларда танлов савдоларини сифати ўтказиш, келгуси йил учун қурилиш дастурини шакллантириш бўйича назоратни кучайтириш зарурлигиға эътибор қаратилди ва ўз навбатида Қурилиш ва инвестициялар департаменти ҳамда бююртмачи — «Ягона бююртмачи хизмати» инжиниринг компаниясининг ўшбу йўналишдаги фаолияти қониқарсиз эканлиги қўрсатиб ўтилди.

Иқтисодиёт ва ижтимоий йўналиш масалалари бўйича мажмуанин кун тартибиде ҳам шу соҳадаги масалалар қўриб чиқилди. Хусусан, тегишли манзилли дастурнинг ижроси бўйича умумтаълим объектларида фойдаланувчи Халқ таълими бош бошқармасиға мактабларда амалға оширилаётган қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари жараёнини назоратға олиш, шу жумладан жорий йилға режалаштирилган 2 та янги қурилиш, 4 та жорий ва юқорида қайд этилганидек, 14 та мактаб бўйича тубдан таъмирлаш ишлари вақтида тугатилишиға манфаатдор бўлиши лозимлиги қўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан туман ҳоқимликлари билан биргаликда тегишли мактаблар бўйича бир йўналишда — том қисми, санитария тармоқлари ёки иситиш тизимида белгиланган тубдан таъмирлаш ишларидан ташқари, қўшимча маблағлар жалб этган ҳолда барча зарур қурилиш ва таъ-

мирлаш ишларини амалға ошириш ҳамда ўшбу мактабларни мукамал тайёргарлик ҳолатида фойдаланишиға топшириш вазифаси юклатилди.

Бошлар спортини ривожлантириш дастури доирасида қуриллаётган ва таъмирланаётган объектларда ҳам биринчи чорак бўйича муаммо ва камчиликлар юзаға келган. Йиғилишда тегишли тузилмалар томонидан ўшбу йўналишда белгиланган ва-

ПОЙТАХТ
МАЖМУАЛАРИ
САРҲИСОБИ

Жорий йилнинг биринчи чорағида амалға оширилган ишлар юзасидан пойтахт мажмуалари ҳисоб беришди.

зифалар суст амалға оширилаётгани қўрсатиб ўтилиб, қисқа муддат ичида тегишли объектларда ишлар сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалға ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ижтимоий соҳадаги дастурларнинг вақтида бажарилиши шубҳасиз, иқтисодий тузилмаларнинг изчил ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Умуман олганда ҳисобот даврида макротиқисодий ва молиявий барқарорлик таъминланди. Маҳаллий бюджетнинг қўзланган қўрсаткичлари 107 фоизға бажарилди, ўтган йилнинг шу давриға нисбатан инвестициялар ҳажми 25 фоизға қўпайди. Шу билан бирға иқтисодиётнинг айрим тармоқларида баъзи бир масалалар ҳануз сурункали бўлиб қолмоқда, шу жумладан хўжалик субъектлари ўртасидаги қарздорлик, ишлаб чиқариш қувватларидан бесамар фойдаланиш, кичик бизнеснинг моддий-молиявий ва хом ашё ресурслариға эҳтиёжи талаб даражасида қондирилмаётгани кун тартибидеги доимий масалалар доирасиға кирди.

Айрим хўжалик субъектларининг молиявий қобилиятсизлиги маълум маънода маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг бажарилишиға ҳам тўсиқ бўлмоқда. Маълумки, ҳукумат фармойишиға биноан бир неча йилдан бери умумхалқ байрамлари муносабати билан ўтказилаётган хашар тадбирларидан тушган маблағлар ҳар бир фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қесимида тақсимланш шarti билан «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимилари ҳисоб рақамлариға ўтказилиши лозим.

Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар масалалари бўйича мажмуа йиғилишида «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг ўшбу йўналишдаги ишлари таҳлил этилди.

Маълум бўлишича, бугунги кунға қадар Наврўз байрами арасида ўтказилган

хашар бўйича жойлардаги «Маҳалла» жамғармаси бўлимилариға жами 220 миллион сўм тушган, бу эса, дастлабки ҳисоб-китобларға қараганда, шаҳар хўжалик субъектлари имкониятларининг 20 фоизини ташкил қилади. Шунини инобатға олган ҳолда ўшбу масалаға мутасадди ва ваколатли бўлган тузилмаларға туманлар ҳамда хўжалик субъектлари жойлашуви бўйича чўқур таҳлил ўтказилиб, ҳар бир қорхона, ташкилот ва муассаса доирасида маҳаллалар ривожланишиға белгиланган маблағларнинг шартли равишда ўтказилиши юзасидан доимий ҳаракатни юзаға келтириш лозимлиги ўқтирилди.

Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича мажмуа йиғилишида асосий эътибор «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури бажарилишиға қаратилди. Ўтган уч ой давомида ўшбу дастур доирасида жойларда — меҳнат жамоалари, ўқув юртлири ва маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маҳаллалар ва, хусусан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳаллачиларнинг ролини фаоллаштиришға йўналтирилган икки мингдан зиёд турли тадбирлар ўтказилган.

Кейинги вақт давомида Меҳрибонлик йўли тарбияланувчилари тўлиқ диспансеризация қилинди. Жисмоний имкониятлари чегараланган болаларнинг 50 фоизи тиббий қўриқдан ўтказилди, бу эса 2800 нафар ўсмир ёшдаги болалардир. Шулардан қўшимча тиббий ёрдамға муҳтож бўлган 436 нафарига — стационар, 92 нафарига — амбулатор ёрдам қўрсатилди. Бундан ташқари, 100 га яқин болалар соғломлаштириш марказларида реабилитация курсларини ўтади.

Шу билан бирға, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ахборотиға қараганда, профилактика ва таъсис ишларининг сифат даражасини ошириш борасида айрим масалалар, хусусан «Она ва бола» скрининг марказини миқозларда мавжуд касалликларни вақтида ва тўри аниқлаш ва бўлажа соғлом авлод туғилиши борасида имкониятларни кенгайтириш учун замонавий диагностика дастгоҳлар билан бойитилиши тақозо этилади.

Сихат-саломатлик йили бўйича белгиланган дастурий чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида йиғилишда мавжуд камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш борасида барча имкониятларни ишға солиш, манфаатдор тузилмалар ўртасида мажбуриятлар ижросида самарадорликка эришиш йўлида ўзаро ҳамжиҳатликни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Айни кунларда транспорт, алоқа, савдо ва бошқа шаҳар тузилмалари жорий йилнинг биринчи чорағи бўйича ҳисобот бермоқда.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

Ҳамма гап ана шу «аммо»да. Пойтахтимизга туташ Тошкент туманида истиқомат қиламан. Табирийки, ул-бул маҳсулот зарур бўлса маҳалладаги дўконга бирров киришга мажбур бўламан. Очиғини айтиш, дўконимиз қишлоқ ҳудудидидаги савдо маскани бўлгани учунми, истаган нарсани топа олмай баъзида ҳуноб бўламан.

Дундаги гаплар

ЎРНАК ОЛСА АРСИЙДИ

Бирор нарсга харид қилмоқчи бўлсангиз албатта дўконга кирасиз. Аммо...

катимизнинг ҳар бир ҳудудидида мана шундай супермаркетлар хизмат кўрсатса, деб ҳаёллади ўтказдим. Авваллари матбуотдан билардимки, дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги супермаркетлар фаолият олиб боради. Қизиғи, ушбу савдо шохобчасида хизмат кўрсатаётган сотувчилар (албатта аёллар) хари-

дорга ҳушмуомалалик билан муурожаат қилишади. Бизнинг маҳалладаги дўконни бундай супермаркетларга тенглаштириб бўладими? Асло. Агар сотувчимиздан харид қилган маҳсулотнинг қайтимини сўрангчи, бир боиллаб беради. Ҳайратдан ёқа ушлаб қоласиз. «Ардус» супермаркети эса худди кўпчилик орзу қил-

ди шунга таъкидлайманки, юқоридаги супермаркетда харидор сўрамаса ҳам қўлига чек ва маҳсулотнинг сифат сертификатини беришар экан. Бу ҳолат аввало ушбу савдо масканига катта ишончлик далолат. Ҳамшаҳарларимиз сифатсиз маҳсулотни турли жойдан харид қилгандан кўра «Ардус»га ўхшаган замонавий супермаркетлар фаолиятдан баҳраманд бўлсалар нур устига аъло нур бўларди.

Раҳматилла
ҒОЙИБНАЗАРОВ



Гуллар... Яшил, сариқ, пуштиранг... Соҳир табиатнинг ажиб мурдаси бўлган бу ажиб мўъжизалар азал-азалдан инсонлар қалбига турфа хислатни ҳаёда этиб келган. «Гулга айланган қалбим севгим розидир», дея сатр битади турк шоири Нозим Ҳикмат. Ҳа, баҳорнинг дилбар элчилари бўлмиш гуллар она замин кўйида эркаланиб ётади.

Ҳақимжон Солихов олган сурат.

Муаллим миллатнинг юзи, деган гап кимдан чиққандигини билмайман-у, аммо шу гапни ким айтган бўлса яна роса топиб айтган. Болаларимизда муаллимларимизга ҳавас қилардик. Улар каби жиддий, ақлли бўлишга интилар эдик. Ҳалигача кўз олдимда бошланғич синфда дарс берган Зарбуви онанинг қиёфаси гавдаланади. Ҳақиқат оддий ва чиройли кийим кийиб юрарди. Бошқа аёл ўқитувчиларимиз ҳам ундан қолишмасди. Ҳеч қачон уларнинг бўйида ёки қўлида ялтир-юлтир тақинчоқ тақиб юрганни кўрган эмасман.

Мен бу гапларим билан ўша даврларни кўрсатганим йўқ. Фақат бугунги ўқитувчи билан кечаги ўқитувчини қиёсламоқчиман, ҳолос. Исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор. Ўқувчи ўзини тутишда, кийинишда ва ҳатто-ки фикрлашда ҳам ўқитувчидан ибрат олишга ҳаракат қилади. Биз ўқитувчиларимиздан ибрат олар эдик. Аммо бугунги ўқувчи ўқитувчидан ибрат олса бўладими?

Бир қарашда кишининг кўнглига тегадиган савол. Бироқ, бу саволга жавоб беришга мажбурмиз. Қишлоқ мактабларини бир четга қўя турайлик. Шаҳар мактабларида калта юбка, кўкраги очик кофталар кийиб дарс бераётган аёл ўқитувчилар пайдо бўлганлиги бор гап. Яна уларнинг ҳаддан ташқари қимматбаҳо тақинчоқларни тақиб, пардоз-андозни меъ-ёридан ошираётганликлари ҳам кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат. (Балки ўқитувчилар учун махсус форма керакдир.)

Тасаввур қилинг: ана шундай муаллималар ўз ўқувчиларига миллий қадриятлар, одоб-ахлоқ бора-сида дарс ўтса, ўқувчилар унинг гапларига ишоншармикми? Ахир сўз амали билан қадрли дейишди-ку!

Бу борада қўйилган ҳикоят ҳалқ орасида оғиздан-оғизга кўчиб юради. Донишманднинг олдида бир киши келиб ўғли ҳаддан ташқари ширинликни кўп истеъмол қилишини айтиб, унга бир-икки оғиз насиҳат қилишини ўтиниб сўради. Донишманд бироз ўйга толдиқо сўнгра тўрт ҳафтадан сўнг келишини айтди.

одамгина устозлик мартабасига лойиқ.

Ўнда қилиб айтганда, устозлик фидойилликдир. Фидойи одамгина ўз шоғирдларига ҳеч қандай гаразсиз таълим беради. Лекин бундай кишилар бугунги ўқитувчилар орасида қанчани ташкил этади?

Яна бир оғриқли муаммо шундаки, жойларда ўқитувчиларга ота-оналар ва ўқувчилар томонидан турли совға-саломлар инъом этиш урф тусига кириб бораётти. Балки яхшидир, аммо масаланинг бошқа томони бор. Бу ҳолнинг одатга айланиб қолиши яхши оқибатларга олиб келмайди. Ҳақиқатимизда беш қўл баробар эмас, деган гап бор.

Яқинда бир бойвачча ота ўғлининг ўқитувчисига тилла зирак ҳадя қилибди. Шундан сўнг бошқа ўқувчилар ҳам отанасини қисти-бастига олишиб, ўша бойваччаникидан қолишмайдиган совға-салом олдиришибди. Бир ўйлаб кўрайлик, ўқитувчига фалон минг сўмлик совға ҳадя қилган ота-она ўша маблагини топишда қийналиб қолмадимики?

Устоз-мураббийлар бу масалага ўз муносабатларини билдиришларини истардим.

Бу гапни ёзишдан мақсад, отадай улуг устозлар шаштини ерга уриш эмас. Балки уларнинг орасига янглиш кириб қолган, ўз бурчидан кўра манфаатини устун қўяётган қўштирноқ ичидagi ўқитувчиларга оманинг эътиборини тортиш. Бундай «ўқитувчилар томонидан «совға», «ҳадя» каби «тадбир»ларнинг уюштирилишига чек қўйишга ундаш меннинг асосий ниятим. Газетхонлар бунни тўғри тушунишларини истардим.

Азиз газетхон, муҳтарам мураббийлар, сиз бунга нима дейсиз? Агар фикримизга қўшилмасангиз ёки бу борада тақлифларингиз бўлса, билдиришларингизни истардим!

Аскар СУЛАЙМОНОВ,
Сергели туманидаги
237-мактаб директори

Хатлар — ҲАЁТ ОЙНАСИ

Баҳор мисоли аёлга ўхшайди. Чунки ушбу фаслнинг таровативо шуқуқи, гўзаллиги киши қалбини жунбушга келтиради. Ўлкамизда кезиб юрган баҳор шуқуқи ҳар бир инсоннинг кайфиятини кўтарётганлиги, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ҳамшаҳарларимизни меҳрога, саҳаватга ўндочиб тадбирлар ўтказилаётганлиги сиз азизлардан калаётган мактублардан, телефон кўнгирокларидан маълум бўлиб турибди. Баҳор яна шуниси билан ардоқлики, у кишиларни янги-янги фикрлашга, янги орзу-умидлар билан яшашга ўндайди. Ҳаёт эса тасодифларга тўла. Кимдир бирор воқега туфайли ўзиде йўқ хурсанд бўлса, кимдир нохуш ҳолатдан ранжийди. Кимдир эса кундалик турмушимизда ҳар бир тармоқда юз бераётган янгилишга ўзгаришларга, изоҳотларга ўз муносабатини билдиради, тақлиф ва истакларни баён қилади, керак вақтда камчиликларни бартараф этиш йўллари кўрсатади. Ҳа, азизлар бунни тахририятимизга калаётган мактублар ҳам исботлаб турибди. Дарвоқе, сўзимиз ниҳоясида баҳор фаслида газетхонлардан калаётган дилномалари сони кўпайганини, ҳар кунги ёки кун орта телефон орқали ҳамшаҳарларимиз билан мулоқот қилаётганимизни эслатиб қўймоқчимиз. Зеро, сиз азизлар билан доимий мулоқот тахририят ходимларининг келгуиси фаолиятини белгилайди, ижодкорларга ихлос бахш этади. Шу боис доимо мактуб йўлланг, 133-08-74 телефонига сим қоқинг. Эслатиб ўтамиз. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. «Тошкент оқшоми» газетаси тахририяти.

Газетхон сўрайди
ЮНУСОБОД ҚАДИМИЙ МАҲАЛЛАМИ?

Биз Юнусобод даҳасида яшаб калаётган аҳоли номидан илтимос қиламизки, илоҳи бўлса шу қадимий даҳа номини тахлил этиб тарихини ёритиб берсангиз. Бундан ҳозирги ёшлар ҳам баҳраманд бўлсалар.

«Юнусобод» маҳалла аҳли номидан Собир ВАЛИЕВ.

Тошкент шаҳрининг Юнусобод маҳалласи ва тумани номининг табири тўғрисида сўз юритилар экан, шунга айтиш жоқки, у ас-лида «Юнусобод» деб юритилган. Халқ таллафузиде ҳатто «юнасаб» бўлиб келган.

Бундан сўра «Юнус» — шахс номи, «ра» — аслида форс-тожикча «роҳ», яъни «йўл» ва сўғдийча «вот» ёки «бот», яъни «кўнж» сўзлари бирикмасидан ҳосил бўлган. Демак маҳалланинг номи Юнус исмили шахснинг йўл устидаги кўноғи ёки карвонсарой йўли деган маънони англатган.

Илгари бу маҳалла Тошкент шаҳрининг ташқарисиде Лаъзақ, Тахтаўул ва Қорасарой қалъа дарвозалардан Дашли Қипчоқ ва Еписува томон йўланган қадимий карвон йўли устида жойлашган эди. Шимолий юртлардан қайтаётган савдогарларга сайёҳлар кеч кириб Тошкентга етиб кела олмасалар Юнусободда тунаб қолганлар, субҳидамада йўлга чиққанлар. Юнусобод, Оқтеғасида олиб борилган кўп йиллик қазилмалардан маълум бўлишича, унинг атрофлари V асрда Чирчик дарёсидан чиқарилган Бўссув ва ундан бош олган Оқтепа ариғи орқали сугорилган обод этилган. Оқтепа — Юнусобод мавзеси шаҳар сарбозларнинг кўноғи тошқорлиги сифатида муҳим аҳамият касб этган. Айниқса XVIII асрнинг охирида ва XIX асрнинг бошида Юнусободда чорбоғ ва карвонсаройи бўлганлиги эҳтиромдан хрли эмас. Юнусобод мавзеси номининг қаро тоғиш Тошкент халқининг асосчиси Юнусхўжанинг исми-шарифи билан боғлиқ деган гаплар ҳам бор.

Кейинчалик Тошкентнинг кенгайиши билан Юнусобод шаҳарга туташиб кетиб унинг йирик маҳалла ва туманларидан бирига айланган.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.

бу ерда. Тушундингми? — Эй, сендақа тушунгандан ўрилдим. Мана булардан сўра, кечами шу ерда савдо қилганман... Улар бир-бирларига журакда турмас сўзларни айтишарди. Ростки, келишимнинг олдида уюлиб кетдим. Очиги, шу вақт оғриқлида уларга насиҳат қилиш у ёқда турсин: бир оғиз гапирш ҳам ёниб турган оловга мол сепиш билан баробар эди. Ахир мол аччиғи жон аччиғи дейишди-ку!

Бозордан қайтганимиздан сўнг қаттиқ ранжидим. Ҳар кун ўша йиллар шаҳримиздаги мактабларнинг биринчи муаллималик қилганман. Ёшлар ичиде яшаганим, ёшларнинг ўй-ҳаваси билан нафас олганим,

«Инсон тўғри йўлдан адашмасин экан. Адашдингми, жабрини ҳам тортар экансан. Роҳат-фароғатдан маҳрум бўлиб, умрбод пушаймон кечиб ўтиш ҳеч кимнинг бошига тушмасин экан. Хурматли тахририят ходимлари. Ҳали 50 ёшга кирмасданқо тўшакка михилани қолдим. Начора, ўзим пиширган ошини ўзим ичман деб шу ҳолга тушдим. Сизлардан илтимосим, бошимдан ўтган воқеаларнига газетда ёритилишини жуда-жуда хоҳладим. Зора, ушбу ҳикоям сабаб бўлиб, мустақил ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёшларимиз хато қилишмасан.

Сизларга чексиз ҳурмат ва эҳтиром ила
Асрор Йигиталиев».

Очиги, мактуб эгаси Асрор акани анча ҳароба, деворлари нураб кетган ҳовлида яшайди деб сира ўйламагандик. Асрор ака дарвозадан кираверишдаги пастақкина қоронғи уйда ётар, қуришини бир ҳолатда эди. Албатта беморлик ҳар қандай қўлига салбий таъсир кўрсатади-ку. Аммо, Асрор аканинг кўзлари маънос тортган. Уни беморликдан ташқари қандайдир изтироб эзаетганлиги шундоққина сезилиб турарди.

Дарвоқе, бизни ҳайрон қолдиргани шу бўлдики, ҳовли чоргоқина бўлсада, иссиқониси ҳам бор, аммо оила аъзолари бу иссиқхонага ҳали ҳеч қандай айтиб экишмаган экан. Балки... Келинг чалғимайликда асл муддаога ўта қолайлик. Бизни кўриб Асрор ака жуза қувониб кетди. Ҳол-аҳвол сураганимиздан сўнг, «келишларингизга унчалик ҳам ишонмагандим. Раҳмат сизларга» дея миннатдорчилик билдириди.

Шу ўринда муҳбир халқининг ҳар бир воқеа, ҳодисага қизиқувчан бўлишини яна бир қарра эслаб ўтиш жоиз. Сабаби, мактуб эгаси бизни нима сабабдан ҳузурига чорлади, деган савол ҳақлимиздан кечди, албатта.

— Ҳайрон бўлаёйсизми укажон, бу киши нега бизни безовта қилди деб, — сўзини бошлади Асрор ака, — шунга билингки, халқимизда «Ҳар ким экканини ўради» деган ҳикоятли ибора бор. Агар мен ҳам ана шу иборанинг моҳиятини аввалдан билганимда, тушунганимда эди, ҳозир балки, бошқалар қатори дардга ҳам чалинмаган, ҳаётим издан чиқмаган бўларди.

— Ҳайрон эгаси гапини тугатмаган ҳам эдик, дарвозани бирор тақиллади.

— Асрор ака, ҳо Асрор ака, уйдаимизми? — Келаверинг Шокиржон, — овоз берди Асрор ака ётган жойида, сўнг бизга қараб қўлишма қилди, — қарзини сўраб келган. Аммо, бера олмайман. Ортиқча пулнинг ўзи йўқ.

Шу пайт Шокиржон кириб ҳар биримиз билан кўшқўлаб кўришди. Ҳар икки томон ҳам ноқулай аҳволда қолмасди, бемалол гаплашиб олишсин, деган ниятда кўзгалмоқчи бўлдик. Аммо, Асрор ака «Сизлардан яширадиган сирим йўқ. Утираверинглар», дея ружд беради. Ноқулай аҳволда қолдик. Орага оғир сукунат тушди. Бироздан кейин хонадон эгасининг ўзи гап бошлади.

— Ичим Шокиржон. Сизга айтадиганимни айтганман. Аҳолининг кўриб-билиб турибсиз. Пулингизни албатта қайтарамиз. Фақат оз-оздан ҳар ойда бериб бораемиз. Бошқа илоҳ йўқ-да.

— Мени ҳам тушунинг ака. Уч йилдан бери шу гапни гапирасиз, — дея гап бошлади Шокиржон. — Ўша пайтда сизга ишонганимдан барча йиққан сармомани кўшқўлаб кўришди. Ҳар икки томон ҳам ноқулай аҳволда қолмасди. Фақат оз-оздан ҳар ойда бериб бораемиз. Бошқа илоҳ йўқ-да.

— Ҳўп укажон, — деди Асрор ака маънос ҳолда. Шокиржон қичиб кетди. Биз ҳам Асрор аканинг ҳолатига тушулгандек бўлдик.

— Ука, — оҳиста сўз бошлади Асрор ака, — пайқадингизми қандай аҳволда эканлигимни? Ёдингизда бўлсин, ҳеч қачон бирвадан бизнес қилман деб катта пул олманг. Кейин пушаймон бўласиз. Аслида бу ишларга меннинг унчалик ҳам алоқам йўқ. Очиғини айтсам, барчасига хотиним айбдор. Менинг айбим эса унга ишонини назорат қилмай қўнганга ҳар кунги солиб қўядиган тўрт-беш сўм пулга маст бўлиб юра-верибман. Ўз лоқайдлигимнинг қурбони бўлганимни пайқаймабман. Оқибатини эса кўриб турибсизлар.

— Сиз сўрманг, мен айтмай, — ҳикоясини бошлади сўхбатдошимиз, — аслида шифокорман. Янгангиз ҳам тиббиёт ходими. Тошкент Давлат тиббиёт институтида бир курсда тахсил олганимиз. Севчишиб турмуш қўрдик, бола-чақа орттирдик. Обруғи шифохоналардан бирида шифокор бўлиб иш бошладик. Тиббиёт соҳасига меҳримиз бўлакча бўлганимдан, ўз устимда тинмай излардим, ҳар бир янги қўлланмаю китобларни варақлаб тонг орттирдим. Бу самара берди. Тиббиётнинг терапия, кардиология, физиотерапия, неврология соҳаларини анча пухта ўзлаштириб олдим. Ишхонада ҳам ҳурматим жойида. Оддий ҳақимликдан бош ҳақимлик даражасигача кўтарилдим. Омад бир келса келаверар эканми, туман соғлиқни сақлаш бўлимига раҳбарлиққа ҳам номзодим кўрсатилди. Аммо... Ҳаммаси ана шу «аммо»дан бошланди. Турмуш ўртқим Хатирга мол-дунё тўпласига муккасидан кетди. Унинг фикрича одамлар назарига тушиш, обрў-эътибор орттириш учун пулдор бўлиш шарт экан. Мақтангити деб ўйлангану, аслида

қундалик турмуш тарзидан бироз узалиб қолганим сабаблими, юқоридаги воқеа менга каттиқ таъсир қилди.

Аёл қадри, унинг жамият ҳаётидаги нуфузи, инсон сифатидаги обрў-эътибори ҳақида ўйлаб кетдим. Ёшгина қўзалоқлик пайтларимда онам менга қўйлаб эртақлар, ривоятлар айтиб беради. Уларнинг бирини айтилишича, қачонларидир қарвондари уруш бўлса-ю, аёл киши ўша ерга келиб оппоқ рўмонлини ўртага ташласа, ўша ерда уруш тўхтаган экан. Демакки, аёлнинг қадри юксак. Аммо, меннинг назаримда бугун аёлнинг жамият ҳаётидаги нуфузи ортинчи баробарда, айрим бебажонларимиз ўзларининг ким эканлигини, кимларнинг вориси эканликларини унутиб қўйишмоқда.

Севимли шоирамиз Хелима Худойбердиеванинг шеърларининг бирида «Сен барибир муқаддасан, муқаддас аёл», деб лутф этилган. Шундай экан муқаддаслигимизга доғ туширмайлик. Ҳар кунимизнинг пок номимизни сақлаб қолайлик.

Меҳриниса ИСРОИЛОВА

Сиз бунга нима дейсиз?

БИЗ УЛАРГА ҲАВАС ҚИЛАРИДИК

кофталар кийиб дарс бераётган аёл ўқитувчилар пайдо бўлганлиги бор гап. Яна уларнинг ҳаддан ташқари қимматбаҳо тақинчоқларни тақиб, пардоз-андозни меъ-ёридан ошираётганликлари ҳам кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат. (Балки ўқитувчилар учун махсус форма керакдир.)

Тасаввур қилинг: ана шундай муаллималар ўз ўқувчиларига миллий қадриятлар, одоб-ахлоқ бора-сида дарс ўтса, ўқувчилар унинг гапларига ишоншармикми? Ахир сўз амали билан қадрли дейишди-ку!

Бу борада қўйилган ҳикоят ҳалқ орасида оғиздан-оғизга кўчиб юради. Донишманднинг олдида бир киши келиб ўғли ҳаддан ташқари ширинликни кўп истеъмол қилишини айтиб, унга бир-икки оғиз насиҳат қилишини ўтиниб сўради. Донишманд бироз ўйга толдиқо сўнгра тўрт ҳафтадан сўнг келишини айтди.

одамгина устозлик мартабасига лойиқ.

Ўнда қилиб айтганда, устозлик фидойилликдир. Фидойи одамгина ўз шоғирдларига ҳеч қандай гаразсиз таълим беради. Лекин бундай кишилар бугунги ўқитувчилар орасида қанчани ташкил этади?

Яна бир оғриқли муаммо шундаки, жойларда ўқитувчиларга ота-оналар ва ўқувчилар томонидан турли совға-саломлар инъом этиш урф тусига кириб бораётти. Балки яхшидир, аммо масаланинг бошқа томони бор. Бу ҳолнинг одатга айланиб қолиши яхши оқибатларга олиб келмайди. Ҳақиқатимизда беш қўл баробар эмас, деган гап бор.

Яқинда бир бойвачча ота ўғлининг ўқитувчисига тилла зирак ҳадя қилибди. Шундан сўнг бошқа ўқувчилар ҳам отанасини қисти-бастига олишиб, ўша бойваччаникидан қолишмайдиган совға-салом олдиришибди. Бир ўйлаб кўрайлик, ўқитувчига фалон минг сўмлик совға ҳадя қилган ота-она ўша маблагини топишда қийналиб қолмадимики?

Устоз-мураббийлар бу масалага ўз муносабатларини билдиришларини истардим.

Бу гапни ёзишдан мақсад, отадай улуг устозлар шаштини ерга уриш эмас. Балки уларнинг орасига янглиш кириб қолган, ўз бурчидан кўра манфаатини устун қўяётган қўштирноқ ичидagi ўқитувчиларга оманинг эътиборини тортиш. Бундай «ўқитувчилар томонидан «совға», «ҳадя» каби «тадбир»ларнинг уюштирилишига чек қўйишга ундаш меннинг асосий ниятим. Газетхонлар бунни тўғри тушунишларини истардим.

Азиз газетхон, муҳтарам мураббийлар, сиз бунга нима дейсиз? Агар фикримизга қўшилмасангиз ёки бу борада тақлифларингиз бўлса, билдиришларингизни истардим!

Аскар СУЛАЙМОНОВ,
Сергели туманидаги
237-мактаб директори

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА ДОНО БУЛУР...

● Кадр-қиммати, «етти ёт бегонадан» тортиб, инсон зоти борки, ҳаммасини эъозлашимиз керак. Ишонган боғимиз, сунган тоғимиз — ота-онамиздек азиру ноёб зотларни қайта топиб бўладими?! Атрофимизда юрган ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ, дўсту ёр, кўни-қўшни, ҳамма-хаммамиз бир-биримизга ганиматмиз.

ҲИКОЯТ.

Бир кекса кампирнинг якка-ёлғиз ўғли бўлиб, у уйлангач хотинининг сўзига кириб онасига оқат берганда туртар, сўз айтганда жеркар, волидасига ҳеч рўшнолик кўрсатмас экан. Вақти қазо-си етиб, она вафот этибди, ўғли эса эл-юрт ўртасида обрў-эйтибор топмоқчи бўлиб онаси тобути устида гириб уриб йиғлабди, кейин ҳар маъракасида қозон-қозон ош дамлаб элга едирибди. Бир кун она ўғлининг тушида оқ кафанга ўралиб келиб, йиғлаб нола қилибди:

— Эй болам, мен учун энди азият чекиб ҳар хил маъракалар қилмай кўя қол, мен жаннатдаман, — дебди, сўнг икки мисра мана шу шеърни айтибди:

Тиригимда айламадинг мени дил шод, Улганимда хоҳ қилгин шод, хоҳ қилма шод.

● Одамзод тириклигининг зийнати бир-бирини кадр-қиммат қилиб, меҳр-оқибат кўрсатиши билан безанади. Одатда, яхши одамлар иззат-талаб, ҳақталаб, илтимос талаб бўлишмайди. «Мен мана бундай меҳнат қилдим, мен мана бундай иш кўрсатиб қўйганман», деб кўкракка урмайдилар, шон-шавкатларини кўтаришга аюҳаннос солиб, мукофот талаб қилишмайди. Яхшилар ҳалол меҳнатлари билан эл-юртга катта фойда келтириб, камтарона ҳаёт кечираверадилар. Ҳеч бир кадр-қиммат, меҳр-оқибат кўрмайдилар. Буни ўзлари билиб, ўзлари эзилдилар. Қазои муаллақ етиб келганда эса: «Ҳаёт шунча экан-да», деб кўзга сўнгги ёшни оладилар бу дунёдан кетадилар. Олижаноб ва покдил бундай одамларнинг атрофида юрган баъзи калтафаҳм, нодон, худбин кимсалар уни кадрлашни, меҳр-оқибатни кўрсатишни хаёлига ҳам келтирмайдилар. Чунки пок одам ҳалол яшаган, худбинларга қўшилиб ҳаром емаган, уларга елпатақлик ҳам қилмаган. Қора юрак кимсалар тўғри ва ҳалол одамни ёқтирмай, ҳатто номини ёмон отликқа чиқаришга ҳамла ҳам қиладилар.

«Қилмиш — қидирмиш» деганларидек, қора юрак кимсалар кўп ўтмай ҳаётдан тегишли азоб ва жазони оладилар. Ачинасан, ачинасан, яхши одам қадрини тополмай кетганига ачинасан. Лекин, олтин коса сингани билан баҳоси паст бўлиб қолмаганидек, яхши одамнинг кадр-қиммати ҳеч қачон йўқолмайди, номи ўчмайди. Дунёда яхшилар бор экан, ёмонлик голиб чиқолмайди.

ЖИҲОЗЛАР КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»да умумий ўрта таълим мактабларни мебель жиҳозлари билан таъминлаш бўйича республика кўرғазмаси очилди.

«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури»да мактабларни замонавий мебель жиҳозлари ва бошқа ускуналар билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Ёшларнинг билимли бўлишлари, керакли малака ва кўникмаларни эгаллашлари учун асосий замин мактабда яратилиши лозим. Ўқитиш сифатини яхшилаш, ўқув муассасаларини керакли мебеллар, ўқув лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, педагогларнинг малакасини ошириш

шлар жумласидан. Мамлакатимизда бугунги кунда 9 минг 227 та мактаблар мавжуд бўлиб, 1-9-синфларда жами 5 миллион 519 минг нафар ўқувчи билим олади. Лекин афсуски, уларнинг барчаси ҳам замон талабларига жавоб берадиган мактабларда таҳсил олишга ётгани йўқ. Кўрғазмага қўйилган жиҳозлар ана шу камчиликларни бартараф этишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

2004 йилнинг 1 декабрида мактаблар учун мўлжалланган мебеллар, спорт анжомлари ва бошқа ускуна-

лар ишлаб чиқариш учун тендер эълон қилинди. Унда қатнашиш истagini билдирилган 142 та тақлифдан 47таси сўнгги босқичга етиб келди. Кўрғазмада жами 54 турдаги мебель жиҳозлари ва 33 турдаги спорт анжомлари намоиш этилмоқда. Тендерда голиб бўлган корхона ва фирмалар республикадаги мавжуд барча мактаблар учун зарур бўлган мебель ва бошқа жиҳозларни етказиб беради.

Айни кунларда кўрғазма фаолиятини давом эттирмоқда. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан ўқитувчи ва мутахассислар келиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши мумкин.

Инобат ЭГАМКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Маъин

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

Тошкент маданият коллежида яқинда «Ёшларда соғлом эътиқод гоъларини шакллантириш — давр талаби» мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир Тошкент Исломи университети, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда Тошкент маданият коллежи ташаббуси билан ташкил этилди. Давра суҳбатиди Тошкент Исломи университети профессори, филология фанлари доктори Убайдулла Уватов, Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анварқори Турсунов сўзга чиқиб, ислом дини, муқаддас китоб — Қуръони каримнинг ўзбек тилига таржима қилиниши, ҳикматли китобларда келтирилганидек, инсонлар бир-бири билан муомала қилаётганда ўзаро ҳушмуомала бўлишлари кераклиги, дўстларнинг содиқлиги ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

Шунингдек, давра суҳбатиди жамиятга фойдаси тегадиган илмли киши ҳамиша улуг бўлиши, дунёни идрок эта билишди дин ва илм инсон тафаккурини кенгайтириши таъкидланди. Дарҳақиқат, ислом дини тарбия ва маданиятга чуқур таъсир этади. Тил билиш дунёни ўрганишга қумаклашади, дунёвий илмлар эса жамиятдаги қонун-қоидаларни англашга туртки бўлади.

Қизиқарли кечган давра суҳбатиди ўқувчилар ранг-баранг ва долзарб мавзулардаги саволларига мутахассислар томонидан жавоблар олдилар, ўзлари ёзган шеърлардан парчалар ўқидилар. Тадбирда ёшлар ўқув дарслари жараёнида ҳикматли китобларни кўпроқ мутолаа ва таҳлил қилишлари керак деган тақлифлар билдирилди.

Юлдуз РИЗАЕВА

Болалар адабийёти бурчаги

БАХТИМ КУЛГАН

Жажжи гунча,
гулдайн,
Боғдаги
булбулдайнман.

Соғлом жон,
Соғлом танман,
Ўзимча бир
жаҳонман.

Ҳаётдан завқ оламан,
Бахти кулган

ОНАЖОНИМ ОҚ СУТИ

Бу жаҳонда онамнинг
Меҳри улкан,
бағри кенг.

Сеҳрли оқ сутига
Ҳеч бир нарса
келмас тенг.

Ҳаёт олиб кўксидан,
Тўйиб-тўйиб
эмганман.

Шу сабабли кўнгли оқ —
Бола бўлиб ўсганман.
Онажоним оқ сутини,

Балолардан асраган.
Ёмон кунда юрагини,
Қаролардан асраган.
Онажоним оқ сутини,
Дилимни пок

айлаган.
Ойдин қилиб
умримни,
Йўлимни оқ айлаган.

ҲАМШИРА

Опажоним ҳамшира,
Касал бўлманг,
дер сира.

Ҳар бир дардга
дори бор,
Соғлиққа у мадақдор.

Кимки қолса
шамоллаб,
Нина санчар авайлаб.

Танда дармон
юрғизар,
Жонингизни

киргизар.
Қамбар ОТА

Саъватнинг сеҳрли олами

СИЗ УНИ ТАНИЙСИЗ

Хусан Содиқов. Бу номни эшитмаган санъат муҳлиси юртимизда кам топилса керак. Мана ўттиз йилдирки Хусан ака ўз ижоди билан ўзбек тасвирий санъатида баракали ижод қилиб келмоқда.

Хусан Содиқов 1975 йилдан бошлаб матбуотда, китоб ва журнал соҳасида ўз ижоди билан қатнашиб келмоқда. 1988-1995 йилларда «Ўзбексавдореклама» ташкилотиди безакчи рассом сифатида фаолият юритиб, Ўзбекистон миқёсида қаҳвахона, ресторан, маданият уйларида монументал паннолар ва бадий безак ишларини амалга оширди. Кўплаб адибларимиз китобларини ҳам унинг суратлари безаб турибди.

Ўзбекистон, Россия, Бельгия, Туркия, Италия ва бошқа хорижий давлатларда ўтказилган кўрғазма ва танловлар иштирокчиси.

Ўзбекистон Бадий академияси уюшмаси аъзоси. Асарлари кўплаб хорижий журнал ва каталогларда чоп этилган.

Айниқса, карикатура — ҳажвий сурат ва шарҳлар соҳасидаги ижоди алоҳида мавзудир. Бугунги кунда Хусан ака «Муштум» журналининг бош рассоми ҳисобланади. Унинг турмушимиздаги иллат ва камчиликларни фош этувчи ўткир сатира ва юмор билан сугорилган асарлари халқимиз олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Услуби ҳам ўзга-

ча. Персонажлар, типажларнинг ҳаммаси бетакрор харақтерга, мимикага эга. Ҳар бир чизги ва штрих жой-жойида, ортиқча деталнинг ўзи йўқ. Қаҳрамонлари гўё ролдан ҳам гапирётгандек, харақатга тушаётгандек. Буларнинг барчаси рассомнинг ўткир диди, ҳаётни яхши билиши ва юксак маҳоратидан далолатдир.


У нафақат рассом, балки инсон сифатида ҳам маданиятлилиги ва олижаноблиги билан ибратдир. Ёнига келган ёшу кексага очиқ чеҳра ила пешвоз чиқади. Келтирилган янги ишлар билан танишар экан, уларни саралаб, л о з и м бўлса яна ҳам яхшироқ чиқишига, нимага эътибор қаратиш кераклиги тўғрисидаги масалахатларни беради.

— Вилоятларда ҳам иқтидорли

рассомларимиз кўп, — дейди қаҳрамонимиз. — Улар билан ҳам хат ёзишиб, ҳажвий суратлар олиб тураимиз. Долзарб мавзулардаги сара ишларини тезроқ чоп этишга харақат қиламиз.

«Муштум» улуг даргоҳ. Бу ерда катта адиблар, ҳажвчилар ва забардаст рассомлар меҳнат қилишган. Уларга муносиб ворислар бўлиш, руҳларини шод этиш бугунги авлоднинг вазифасидир. Буни Хусан ака яхши ҳис этади.

Узининг бор иқтидори ва меҳнатини халқимиз дарди-



га маънавий малҳам бўлишдек хайрли ишга сафарбар қилаётган Х.Содиқовдан янги-янги асарлар кутиб қоламиз.

Шавкат МУЗАФФАР
СУРАТЛАРДА: рассом ижодидан намуналар.



СИГАРЕТАЛАРНИ РЕКЛАМА ҚИЛИШ ТАҚИҚЛАНМОҚДА

Нью-Йорк. Нью-Йорк шаҳар савдо ишлари кенгашининг раиси М.Грин тамаки маҳсулотлари тайёрловчилардан сигареталарни ҳар қандай йўл билан реклама қилишга барҳам беришни талаб этди.

«Тамаки маҳсулотлари билан савдо қилувчилар, — деб ёзади «Нью-Йорк таймс» рўзномаси, — ҳар куни беш минг харидордан маҳрум бўлишяпти. Улар чекиш оқибатида келиб чиққан касалликлардан вafот этишяпти ёки чекишни ташлашяпти. Тамаки sanoати вакиллари бу талафотларнинг ўрнини тўлдириш учун ўсмирларга тобора кўпроқ эътибор бериб, уларни мумкин қадар тезроқ ўзларининг доимий мижозларига айлантиришга уринмоқдалар. Бунинг учун улар тамаки маҳсулотларини реклама қилишда энг машҳур болалар бадий ва мультипликацион фильмларнинг, теледастурларнинг қахрамонларидан фойдаланишмоқда».

Тамаки маҳсулотларини реклама қилишга Қўшма Штатларда ҳар йили 3,2 миллиард доллар пул сарфланмоқда. Бу ҳар бир америкаликка 12 доллардан тўғри келади. Бундай сарф-харажатлар бехуда кетмаяпти. Қўшма Штатлар бош жарроҳи тайёрлаган докладда айтилишича, ҳар куни 3 минг ўсмир чека бошламоқда. Бунга кўп жиҳатдан ўсмирларнинг «Роллинг стоунс» каби семимли журналларида тамаки маҳсулотларининг реклама қилинаётганлиги сабаб бўлмоқда, деб ҳисоблайди мақола муаллифи. Сигареталар рекламасини кўпинча турли фильмларнинг ўсмирлар яши кўрадиган қахрамонлари тасвири туширилган майкаларда ҳам кўриш мумкин.

Тамаки маҳсулотларини радио ва телевидение орқали реклама қилишга қарши мамлакатда амал қилаётган тақиққа қўшимча тарзда мамлакат конгресси тамакини ҳар қандай йўл билан реклама қилишни тақиқлаб қўйиши зарур. «Биз бутун жамиятимизни, шу жумладан, унинг энг ҳимояланмаган қисми — болаларимизни тамаки захридан муҳофаза этишимиз лозим», — деб ҳисоблашмоқда америкаликлар.



Мажмулар

ЙИЛ ТАРБИЯЧИСИ

Жамиятимизда мурғак қалбларга йўл топиб, уларга таълим-тарбия беришга муносиб хисса қўшиб келаётган шундай эъзозли касб соҳибалари борки улардан ота-оналар ҳамиша миннатдорлар. Бу боғча мураббийларидир. Боғчада яйраб, қувнаб камолга етаётган ўғил-қизларимизнинг бийрон сўзларини эшитганда меҳрибон, жонқуяр тарбиячиларнинг меҳнатлари натижасини ҳис этамиз.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»-ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»-ги қарори талабларини бажариш, мактабга ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари, замонавий педагогик технологияларни ҳаётга татбиқ этаётган илғор тарбиячиларни аниқлаш мақсадида ҳар йили шаҳримизда «Йил тарбиячиси» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Айни кунларда шаҳримизнинг барча туманларида ушбу танлов муваффақият билан ўтказилмоқда. Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида Шайхон-

тоҳур тумани бўйича «Йил тарбиячиси» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Саҳнада тумандаги олти-та мактабга таълим муассасаларининг тарбиячилари 4 та шарт, яъни — касб маҳорати ва иш йўналишини очиб бериш, ўз истеъдоди, санъатини намойиш этиш, муаммоли вазиятдан чиқиш, дидактик материалларни тайёрлаш ва ундан фойдаланиш каби шартлар бўйича ўзаро беллашдилар. Танлов иштирокчиларининг ҳар бир чиқишларида уларнинг ўз касбларига бўлган муҳаббатлари, педагогик маҳоратлари яққол намойён бўлиб турди. Қизиқarli ўтган танлов сўнггида хайрат аъзолари томонидан голиблар аниқланди. Тумандаги 197-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси Муҳайё Нўмонова касб маҳорати, изланишлари, замонавий педагогик технологияларни ўз ишига татбиқ эта олишини намойён қилиб, олий ўринга сазовор бўлди ва танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олди. Бошқа иштирокчилар ҳам муносиб ўринларни эгаллаб, мутасаддилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Гулором ҲАМИДОВА
СУРАТЛАРДА: Шайхонтоҳур тумани бўйича ўтказилган «Йил тарбиячиси» кўрик-танловини лавҳалар.
В.Липатов олган суратлар.



Маълум

ЁШЛАР ГИЁВАНДЛИККА ҚАРШИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими ёшлар ўртасида гиёвандликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўсиб келаётган авлоднинг jismonий ҳамда маънавий томондан етук инсон қилиб тарбиялаш, уларга Ўзбекистон Республикасининг «Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»-ги қонунини аниқ тушунтириш мақсадида тумандаги академик лицей, кол-

леж ва мактаб ўқувчилари учун махсус семинарлар ўтиш режасини ишлаб чиқди.

Бу ишда ОИТСга қарши кураш ва профилактика маркази, Тошкент шаҳар Наркологик диспансери, туман ИИБ, соғлиқни сақлаш бўлими, туман халқ таълими, Қизил Ярим Ой жамияти ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг туман бўлимлари кўмаги ҳам аҳамиятлидир.

Ўқув-семинарлар режа асосида ўтилади

Гулбахор АЗИМОВА

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» республика бирлашмаси

Тошкентбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки

2005 йил 18 мартдан

Диққат! Диққат!

КУТИЛМАГАН ВОКЕА

Тошкент Давлат циркида

ПАРИЖ-ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ

транзит йўли асосида жаҳонда ягона

РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ

18 мартдан бошлаб томоша қилишга шошилинг!

Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор.

Жума, шанба, якшанбада

Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз.

Келганингиздан афсусланмайсиз!!!

Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун

буюртмалар қабул қилинмоқда.

Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўлаши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан очик.

Маълумотлар учун телефонлар:
144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар **ДИҚҚАТИГА!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:
133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГА

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари
ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача
қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-21-56.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй,
2-қават, 204-хона.

Спорт

КУЧЛИЛАР — ЖАҲОН ВА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА

Республика шахмат-шашка клубида ёш, умидли шахматчилар Ўзбекистон биринчилиги баҳсларида ўзаро дона суршиди.

Бу гал баҳс 132 нафар ўсмирлар ва қизлар ўртасида кечди. 16 йилли қизлар ўртасида ўтказилган мусобақаларга тўхталар эканми, унда кутилгандек, жуда иқтидорли шахмат устаси жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова голиб чиққанлигини қайд этиш жоиз. Мусобақа низомига кўра Ю.Ҳамроқулова, шунингдек иккинчи ва учинчи ўринлар соҳиблари Нодира Нодиржонова ҳамда Нафиса Мўминовалар 2005 йилги Осийё чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Шу ёшдаги ўсмирлар ўртасидаги беллашувлар ҳам ниҳоятда кескин ва муросасиз кечди. Жумладан, мусобақалар якунига кўра икки шахматчи — самарқандлик Соҳиб Жўраев ҳамда тошкентлик Евгений Пақлар 7 тадан бир хил очко тўплашди. Фақат Бухгольц коэффициентига кўра С.Жўраев Ўзбекистон биринчилигининг голиби бўлди. Учинчи ўринни яна бир тошкентлик шахматчи Александр Касьян эгаллади.

18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида голиб жаҳон чемпионати, иккинчи ўрин соҳибаси эса Осийё чемпионатида йўлланма олиши аввалдан белгилаб қўйилганди. Шу сабабдан бу ерда ҳам шиддатли ва муросасиз учрашувлар, бир хилда тўплаган очколар голибларни аниқлашда бирмунча қийинчилик туғдириди. Бу гал Сарвиноз Эргашева ҳамда Умида Чоршанбиева бир хил — 7,5 тадан очко жамғаришди ва Бухгольц коэффициентига мувофиқ омад Сарвинозга қўлиб боқди.

18 ёшгача ўсмирлар беллашувида 7 очкога эга самарқандлик Жўрабек Ҳамроқулов голиб чиқди.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚАТНАШИШДИ

Москва вилоятининг Нангинск шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида нуфузли халқаро турнир беллашувлари якунланди. Унда етти та мамлакат боксчилари ўзаро куч синашди.

Шуниси қувончлики, А.Худойкулов ҳамда Х.Шокиров каби чарм кўлқоп усталаримиз барча рақибларини бирин-кетин енган ҳолда хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасиндан ўрин олишди. Яна етти нафар боксчиларимиз бронза нишонларини қўлга киритишди ва бу юксак натижа спортчиларимизнинг умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашлари учун замин яратди.

(Ўз мухбиримиз)

Миллий курашимизнинг дунёга юз тугишида 1993 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур халқаро турнирнинг алоҳида ўрни бор. 23-24 апрель кунлари бўлиб ўтган бу галги беллашувларда Осийё, Европа, Америка қитъаларидаги ўттизга яқин давлатдан келган номдор полвонлар ўзаро куч синашди.

Бу йил илк бор фахрийлар ўртасида курашимизнинг икки йўналиши бўйича I Жаҳон чемпионати ўтказилди. Бу - миллий курашимиз барча ёшдаги полвонлар учун эъозли эканидан, Ўзбек кураши ёш танламаслигига полвонлар каримаслигидан ўзига хос далолатдир.

Ун мигдан зиёд томошабиннинг нигоҳи қадалган Халқаро кураш турнири байрогини машҳур полвон Абдулла Тангриев кўтарди.

Давлатимиз мадҳияси янгради.

Мусобақанинг дастлабки кунли фахрийлар ўртасида биринчилик иштирокчилари - 36 дан 85 ёшгача бўлган полвонлар гиламга чиқди.

Белбоғ курашида ҳамюртларимиз Аъзамжон Шокиржонов,

ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ - ҲАМЮРТИМИЗДА

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» стадионида ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун VII халқаро турнир ҳамда фахрийлар ўртасида I Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Аҳмаджон Тўрақулов, Қажрамон Турсунбеков, Аҳмаджон Бахромов ўз вазилида голиб бўлди. Шунингдек, тожикистонлик Баҳодир Курбонов, россиялик Фанис Куддусов, афғонистонлик Порсо Хематуллох, Мухаммад Асеф Набизода, қирғизистонлик Инъомжон Мухаммадиев, туркманистонлик Аҳмет Кулаков ҳам ўз вазида голиблик шохсупасига қўтарилди.

Мардлик, рақибига нисбатан олижаноблик ва тантлилик, ҳалоллик фазилатларини нафойиш қилган полвонлар ўзбек курашининг аждодлардан мерос аъналарини кўз-кўз этди. Ёши олтимишдан ошган ўзбек полвонлари - мутлақ вазили Наби Махмарасулов ҳамда Қажҳор Сатторов курашимиз-

нинг сир-синаотларини яна бир бор барчага кўрсатиб берган бўлса, Абдумурод Султонов билан беллашган Курбон Эргашев бир қўл олишда рақибини енгди. 85 ёшли Тўра Тошматов рақибни Ҳамро полвон курагини ерга теккизди.

Кураш байрамнинг иккинчи кунли ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун халқаро турнир баҳслари билан бошланди. Қирқ икки нафар номдор полвон ўртасидаги муросасиз беллашувда гиламга чиққан ҳар бир спортчи ўз юртининг шаънини ҳимоя қилди.

Миллий кураш баҳсларида иштирок этган эронлик Аюб Ҳасаний, Жанубий корейлик

Бюнг Жин Канг, бразилиялик Карлос Хонорато, польшалик Петер Дудек, туркманистонлик Бахтиёр Бердикулов, грециялик Глека Троруотселаури, хиндистонлик Сингх Самундер каби турли мамлакат вакиллари ҳам ўз маҳоратлари билан томошабинлар меҳрини қозонди.

Қизгин беллашувлардан сўнг икки полвон финалга чиқди: Абдулла Тангриев ва бразилиялик Карлос Хонорато. Абдулла маҳорати, чапдастлиги билан бразилиялик полвондан устунлик қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини — пул мукофоти ҳамюртимишга насиб этди.

Президент совринини Сурхондарё вилоят ҳокими А.Эшмуратов топширди.

Ўзига хос спорт байрамига айланган ушбу мусобақаларда полвонлар нафақат куч синашди, балки миллий курашимизнинг фалсафасини, жозибасини, асрлар оша сайқалланиб келган усулларини яна бир бор намойиш этди.

Чори ТҮХТАЕВ, Ўза мухбири

Қайранлар

КҮНГИЛ ТАСКИН ТОПДИ

Февралнинг субҳидамдаги совуғи пича юз-кўзларни ачитади. Йўлчилар ишга шошилади. Тўрт қаватли биноларнинг томларида осилиб турган узун-узун сумалаклар улкан бир тароққа ўхшайди. Куёш кўкда рухсорини кўрсатгач сумалаклар саф тортиб турган мағрур теракларнинг қок мия-сиз узлуқсиз тер тўкади. Ниҳоллар эса сумалакнинг зуғумидан озор чекиб, тақдирдан ййғлайди.

Сафда ягона бир ёш теракнинг аҳволи мушқуллашди. Ҳар кун ишга кетаётганимда йўл-йўлақай шу ниҳолга диққат билан нигоҳ ташлаб ўтаман. Тарновдаги йўғон сумалакдан шариллаб оқаётган сув терак бечоранинг шох-шаббаларини борган сари йўғон су билан қопламоқда эди. Бироз изгирин эсса, ёш ниҳол муздан вазирилланган новдаларини шилдириятиб иттирбдан тебранар, кун сайин ер бағирлаб борарди.

Мен теракнинг тақдирини ўйлардим, нахотки хали ўн гулдидан бир гули очилмаган шу навкирон ниҳол умри бир ҳафтага ҳам етар-етмас сумалакнинг қурбони бўлса?!

Мана, ўша терак ёнидан ўтиб бормоқдаман...

Эҳ, аттанг! Умри қисқа, мўрт сумалак ёш ниҳолнинг курагини ахир ерга теккизибдида?! Энди кўрагини захга бериб ётган шўрлик ниҳол муздан қачон халос бўлар-

кин... Хайрият, кунлар ҳам исий бошлади. Куёш тафти музни буткул эритиб ҳам юборди. Вақтинча эгилган бош яна кўтарилди. Эй, хаёт отини атаб қаддини қайта ростлаган ёшгина ниҳол! Сени ўз сафингда қайта кўриб, ниҳоят безовта кўнглим таскин топди. Энди ҳар гал ёнингдан ўтаётганимда "Бундай изтиробли кунлар эинҳор бошингга тушмасин" деб сени дуо қилиб ўтаман.

ИЗТИРОБ

Ўғлим уйга учта каптар олиб келди. Бири пахтадек оппоқ, иккинчиси қоқора, учинчиси чипор-кўнғир тусда. Беғубор, беозор тинчлик тимсоллари!

Чордоққа чиқиб, тахтачалардан ин ясаб, каптарларни уйли-жойли қилиб қўйди. Ховлимизда энди иккинчи жажжигина оила яшай бошлади. Ўғлим ҳар кун уларга дон берар, консерва идишга сув тўлдириб, уларни парваришлар эди. Бора-бора уччаси чордоқ эшиги остонасига келиб, хотирхам қаторлашиб турадиган бўлиб қолди. Қораси-куёв бола, оқи-келинчак гүё. Бир-биридан сира ажралмай доим бирга юришади. Бир-бирларига мунча ҳам меҳрибон бўлишмасе! Куёв бола дастлаб севгилиснинг тумшуги атрофларини тумшуги билан эринмай тўзалайди, бўйнидаги момикдай парларини бир томонга битталаб тараб чиқади. Бундай мухаббат билан эъёзлаш, эркалашлар келинчакка хуш ёқиб, қимир этмай турганча кўзларини сузиб унга термулади. Чипори эса "қоработирлик" қилмай, одоб сақлаб бир чеккада

тураверади.

Ўғлим каптарларнинг боғланган қанотларини очиб, уларни чордоқдан ерга тушиб юришга ўргатди. Энди улар паस्ता эхтиёткорлик билан учиб тушиб, бемалол ҳовлида юриб донайидиган, сув ичадиган бўлиб қолишди.

Кунларнинг бирида эрта тонгда каптарлардан хабар олгани ховлига қиксам...

Э, вох! Не кўз билан кўрайки, ҳовли юзид оппоқ патлар ҳаммаёққа сочилиб, тўзғиб ётибди! Атрофга қарадим. Бечора куёв бола ховлиннинг бир чеккасида гагмин ҳолатда, бошини ҳам қилганга қимир этмай турарди. У гўё: "Эй, бевафо дунё?! Эндигина ўзимга мос жуфти ҳалолимни топдим деганда кичкинагина бошимга шунчалар қайғу-қулфатни соласанми?! Севгилимдан айрилиб қолдим-ку? Мен энди айрилишқа қандай чидайман?!" деяётгандек унсиз йнгларди.

Шўри қуриб қолган бу беозор тинчлик тимсолига туну кун ҳамроҳ бўлган оппоқ, беғубор, ҳур келинчакни бераҳм, очкўз, ўғри мушук тилка-пора қилиб олиб кетган эди... Ичи зардобга тўлган азадор каптар ўша қора кун ва эртаси кечгача туз тотмади. Фақат гоҳ бир жойда узок туриб, гоҳ йўлақда уёқдан буюққа юриб, ич-ичидан қуонарди. Унинг бу ҳолати кўпга бормади. Бечора қайғуни кўтара олмай кечга яқин ўй пойдевори тағида жон таслим этди.

Елғизликни кўтара олмаган чипор каптар ховлимизни хувиллатиб қаёққадир гойиб бўлди...

Жаҳонгир ПИРМУҲАМЕДОВ

Товуқ мучали йили ҳақида

ЯРМИ ҲАЗИЛ, ЯРМИ ЧИН

ришибди. Билсангиз, Хўроз макиёнларнинг ҳаммаси ҳам "Товуқ" деб аталади. Ота-боболаримиз Товуқ дейишганими, биз ҳам шундай дейишимиз лозим, полвон болам!

Энди ўн икки ҳайвон, яъни сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балик, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўнғизлар номилари билан аталувчи мучал ҳисоби ҳақида гапирсак, бундай ҳисоблаш, нафақат шарқ халқларига хосдир. Хатто, Япония ва Хитой ҳамда кўпгина Африка мамлакатлари халқлари орасида ҳам бундай йил ҳисоблаш, мучал тўйларни ўтказиш кенг авж олган.

Қизғин шундаки, ҳисобдорларнинг айтишича, ҳозирги миллодий йилимиз ҳам Товуқ йилидан бошланган экан. Бу йилда ҳамиша тухумлар сероб бўлиб, жўжалар кўпайган.

Кўпчилик башоратчиларнинг тафсилотига қараганда, ушбу йилда халол меҳнат қилганлар кам бўлмайди, сабаби Товуқ тинмай интилиб, қидириб еру ҳасни титиб, насибасини териб еркан. Унинг тухуми-у гўшти кишиларга қувват бағишларкан.

Қадимий башоратчиларимиздан Мухаммад Аваз ибн Садриддин Қаротойий ўзининг "Мажмуат ул-аҳком" ("Хўклар мажмуаси") китобида шундай ёзган: "Қачонким, Товуқ йили кирса, ул йили ҳаво иссиқ, ёғин кам, нарх-наво арзон бўлғай ва мевалар бисёр бўлғай. Улим кам бўлғай. Зимистон — қиш бироз узоқ бўлғай, ҳар фарзандаки, йил аввалида вужудга келса зийрак, хушфаҳм ва оқилу доно бўлғай..." Айниқса, Товуқ йилининг душанбадан бошланиши фазилати борасида «Маж-

муат ул-аҳком" китобида қуйидаги сатрлар бор:

- Бўлса Наврўз, эй улуул абсор,
- Рўзи душанба айлаин изҳор.
- Тоғ аро галла бехисоб бўлғай,
- Боғ аро мева об дароб бўлғай.
- Мол боэфат, соғин бисёр,
- Алафу сабза, ёғин бисёр.
- Халқаро кенгру, неъмат алвон,
- Фуқаро кўнгли хурраму хандон.
- Бўлғуси кўп ниҳол тунлару кун
- Кечгуси айшу базм юртада бутун...
- Демак, мучали Товуқ бўлган инсонлар ҳар хил ҳаёлу бахсларга бормай, Тўра полвон билан Нордоний кампирдек тортишиб ўтирмай, қулишиб-яйрашавиришин! Ўз-ўзидан бу йилимиз баракали, серфайз йил экан.

Олим КҮЧҚОРБЕКОВ



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70; эълонлар — 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма тибко офсет усулида босилади. 3868 нусxada босилди. Қора бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот боншқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сенайба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлидларига ёки «Тошкент почтамтига» — 133-4-405 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақдланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.